

Хизматлари эътирофга сазавор устоз

Педагогикада педагогик жиҳатдан етук билимдон, болага психологик жиҳатдан ёндошиш сирларини мукаммал эгаллаган, ватанпарвар ва меҳрибон, бағрикенг ва хайрихоҳлик хислатларига эга бўлган, шунингдек, дунёвий ва диний билимларга эга, ўз устида мунтазам ишлайдиган, янгиликларга интилувчан, ўз касбининг сирларини чуқур биладиган, юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган, ўз фаолиятини ўзи таҳлил қиладиган ва объектив баҳолай оладиган, бой фалсафий ва маънавий дунёқарашга эга бўлган шахс ҳақида гапирилганда “у маҳоратли” деган иборани қўллаш мумкин.

Ҳабибахон Мирзаева худди шундай устозлардандир. Мана 22 йилдирки, Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактабда ёш авлодга тарих ва ҳуқуқшунослик фанларидан билим бериб келмоқда. Бу иш унга ёқибгина қолмай, балки бир дунё завқ-шавқ, ғурур бахш этади. Мактабга баркамол авлод тарбиясида ўз хиссасини қўшаётган мураббий, Ватанимиз тарихи орқали уларга Ватан, жонажон юрт ва қадрдон замин инсон учун энг муқаддас, бебаҳо бойлик эканлиги, Ватанимиз тарихи фақат у ёки бу ном билан аталадиган салтанат ёки давлатнинг вужудга келиши ҳамда емирилиши тарихидан иборат бўлмай, балки айни пайтда аجدодларимизнинг буюк бунёдкорлик тарихи эканлигини, шунингдек ҳуқуқшунослик фанлари орқали эса Республикаимизнинг мустақилликка эришиши ва Конституциясининг қабул қилиниши ўзбек давлатчилигини шакллантириш ва ҳуқуқий тизимни яратишга асос бўлганлиги тўғрисидаги билимларни ёшларга сингдирар экан, уларни ҳаёт ҳақида мустақил мушоҳада қила оладиган ўз фикрига, ўз дунёқарашига эга ҳар томонлама етук йигит-қизлар бўлиб вояга етаётганини кўриб завқланади, ғурурланади.

Ҳабибахон Мирзаева муаллималик фаолияти мобайнида мактаб жамоаси ўртасида билимли, изланувчан, ижодкор, янгиликларни тез илғаб оладиган зийрак, кийинчиликлардан чўчимайдиган меҳнатсевар ўқитувчи сифатида обрў-эътибор қозонди. Қарши шаҳрида маҳоратли, ўзига хос иш услубига эга бўлган тажрибали педагог сифатида оғизга тушди. Ундан сабоқ олган ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда Ҳабибахон опа уларга фақат савод ўргатибгина қолмай, Ватанимизни севишни ўргатганлигини, улар қалбига инсон ватан фарзанди, ватаннинг бир бўлаги, одам боласи ўзини ватандан айро тасаввур этмаслиги лозим дея ватанпарварлик туйғусини сингдирганлигини ҳамда Конституция ва қонунларимиз устуворлиги, ёшлар тарбиясида ҳуқуқий саводхонликни ўрни ва ролини юксак даражада эканлиги тўғрисидаги сабоқлари улар фаолиятида катта ўрин тутишини ҳам эътироф этишади.

Унинг таълим-тарбия соҳасидаги мунтазам изланишлари ва интилишлари беиз кетмади. Бу интилишлар асосида тинимсиз меҳнат ётди. Натижада унинг 22 йиллик фаолияти давомида 10 дан ортиқ ўқувчилари шаҳар, вилоят босқичида ўтказиладиган иқтидорли ва қобилиятли болаларни аниқлаш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ўтказиладиган кўрик-танловларда иштирок этди. Улардан Эсонов Шахзод 2011 йил тарих фанидан шаҳар босқичида ўтказилган “Билимлар беллашуви”да 1-ўринни, 2013 йилда ҳуқуқшунослик фанидан иштирок этиб шаҳар босқичида 3-ўринни эгаллади. 2013 йил “Аждодлар мероси” кўрик танловининг шаҳар босқичида 1-ўрин Ҳабибахон томонидан тайёрланган ўқувчилар томонидан эгалланди ва бу руйхатни анча давом эттириш мумкин.

Дарҳақиқат, Ҳабибахон Мирзаева ўқитувчилик фаолияти давомида таълим-тарбия жараёнларини илмий асосларда ташкил этиш, ўқувчилар фаоллигини таъминлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш асосида педагогик жараёнларнинг сифат ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ёндошувларга асосланган фаолияти унинг республикамиз томонидан ташкил этилган “Йил ўқитувчиси” кўрик танловида иштирокини таъминлади. Тиниб-тинчимас муаллима 2011 йилда ушбу танловда тарих фани, 2012 ва 2014 йилларда ҳуқуқ фанларидан шаҳар босқичида иштирок этиб 2-ўринларни соҳиби бўлди.

Бинобарин, ҳукуматимиз томонидан унинг меҳнатлари эътироф этилиб 2001 йилда Мустақилликнинг 10 йиллиги муносабати билан яхши хизматлари учун кўкрак нишони ҳамда 2014 йилда Халқ маорифи аълочиси кўкрак нишони билан тақдирланди.

Шунингдек, унинг иш фаолияти Қашқадарё вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг “Ижтимоий-иқтисодий” фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ўрганилиб чиқилиб, вилоятимизнинг тарих ва ҳуқуқшунослик фани ўқитувчилари орасида тарғиб қилинадиган даражада деб тан олинди ҳамда институтнинг 2015 йил иш режасига оммалаштириш учун киритилди.

Бу эътироф Ҳабибахонга янада куч қудрат, ўз устида мунтазам ишлаш ва мустақил республикамизнинг келажаги ҳисобланган ёш авлод тарбиясида муносиб устоз сифатида фаолият юритишига асос бўлмоқда.

Биз унга омад тилаб:- Эзгу ишларингизда асло ҳорманг!- деб қоламиз.

*Қашқадарё вилояи ХТХҚТМОИ
Ижтимоий-иқтисодий фанлар
кафедраси катта ўқитувчиси
Камолова Ҳ.М.*

